2009 йил 29 август, шанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 172 (11.483)

Баҳоси эркин нархда

## ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИ БИЛАН ТАНИШУВ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 август куни Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи билан танишди**

**Истиқлолнинг ҳар бир йили мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, халқимиз эришаётган оламшумул ютуқлар, эзгулик ва шодумонлик, тараққиёт ва фаровонлик йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий корхоналар, турар жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, равон йўллар ва кўприкларни кўриб кўз қувнайди, дилларда шукроналик, ғурур ҳисси ортади.**



Инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" дея эътироф этилган, халқимизнинг ифтихори бўлмиш азим Тошкент шаҳри ўзининг 2200 йиллик тўйи арафасида ўзгача чирой, ўзгача маҳобат касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари азим шаҳримизни замонавий мегаполисга айлантирди.

Истиқлол йилларида Тошкент нафақат мамлакатимиздаги, балки бутун минтақадаги йирик ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий марказ сифатида обрў-эътибор қозонди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ 2008 йилда Тошкент шаҳрида "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройини қуриш бошланган эди. Замонавий меъморий ечимга эга мазкур иншоот қисқа фурсатда сифатли бунёд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов 28 август куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи билан танишди.

Амир Темур хиёбони меъморий ансамблининг дурдонасига айланган мазкур сарой ўз маҳобати, салобати, бетакрор тархи, замонавий ландшафт дизайни билан Тошкент шаҳри чиройига чирой қўшди. Бу ерда йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида бунёд этилган мазкур муҳташам сарой ўзида миллий ва замонавий меъморчилик услубларини мужассам этган. Ушбу сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, диаметри 53 метрлик гумбаз меъморчилик бобида ҳам дунё аҳлини лол қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари бардавом эканидан далолатдир.

Ислом Каримов сарой заллари билан танишар экан, ранглар мутаносиблигига, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларга алоҳида эътибор қаратди.

– Мазкур сарой ҳам халқимиз бунёдкорлигининг яна бир тимсоли сифатида қад ростлади, – деди Президентимиз. – Шаҳарларимизда, хусусан, пойтахтимизда бунёд этиладиган ҳар бир бино шаҳарнинг меъморий ечимига мос бўлиши лозим. Мазкур саройни қуришда ҳам ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Қураётган иншоотларимиз, маъмурий бино бўладими, таълим ва тиббиёт муассасаси ёки турар жой биноси бўладими, албатта, келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилиши зарур.

"Тошгипрогор" акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида "Нефтгазмонтаж" қўшма корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройининг баландлиги 48 метр. У 300 ўринли мажлислар, 300 ўринли қабуллар зали ва 1800 ўринли анжуманлар залига эга.

Давлатимиз раҳбари саройнинг тархи, дизайни, ёритиш тизимини юқори баҳолади. Сарой фойесида ранглар мутаносиблигини таъминлаш, томошабинлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, бино атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»**

**Расулов Абдурашид Давронович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»**

**Пулатов Фахриддин Мухиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси цикли бошлиғи

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишдаги катта хизматлари ҳамда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Мирсагатова Саодат Махмуджановна** — Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

**Очилов Яхшибой Мухаммадиевич** — Қашқадарё вилояти Косон тумани прокурори

**Рахманов Зокиржон Сидиқович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

**Саттаров Акбарали Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг бош анестезиологи

*(Давоми 2-бетда).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

### АХБОРОТ

**Шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.**

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламентнинг юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур масалани муҳокама қилиш асносида таъкидлаб ўтилганидек, амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги арафасида қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти бўлган давлатимиз инсонпарварлигининг ёрқин кўринишидир. Амнистия акти ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшга тўлган эркакларни, шунингдек, чет эл фуқароларини жазодан озод қилишга қаратилган. Амнистия акти асосида ёшидан қатъи назар эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинадилар.

Бундан ташқари озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно), шунингдек, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинади.

Амнистия акти қуйидаги тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди: узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар; ўта хавфли рецидивист деб топилганлар; ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар.

*(Давоми 2-бетда).*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (мазкур Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Қува тумани ёшлари Истиқлол шодиёналари арафасида ажойиб совға олишди. Бу ерда миллий ва замонавий меъморчилик андозалари билан уйғунлашган тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди. 795 ўқув ўрни ва 100 ўринли ётоқхонага эга коллежни барпо этишда тумандаги «Шодлик» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси 3 миллиард 222 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди.**
- **Риштон тумани аҳолиси Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини ўзгача шод-хуррамлик билан қарши олмоқда. Туманнинг Учариқ қишлоғида янги газ тақсимлаш станцияси ишга туширилди. Бу ерда 40 километр юқори босимли газ қувурлари тортилди. «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси тармоқ қурилиши учун 1,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.**
- **Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами арафасида Андижон шаҳрининг Сойгузар ва Эски шаҳар мавзеида янги буюм бозорлари фойдаланишга топширилиши натижасида минг нафарга яқин киши доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, Қўрғонтепа туманида ҳам буюм бозори қуриб битказилди.**
- **Самарқанд вилоят репродуктив саломатлик марказида Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Бритиш Американ Тобакко Узбекистан» компанияси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши учун шарт-шароитлар яратиш» мавзуида семинар ўтказилди.**
- **«Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши ва вилоят ижроия қўмиталари Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан Ургут туманидаги «Боғи-Усмон» оромгоҳида «Мустақиллик — инсон манфаати ва эркинлигини таъминлашнинг асоси» номли байрам тадбирини ўтказди.**
- **Лангар тоғ тизмалари бағрида жойлашган Хатирчи туманидаги Олтинсой қишлоғида янги сиҳатгоҳ фойдаланишга топширилди. Саксон ўринга мўлжалланган мазкур объектни «Хатирчи сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари бунёд этди. Сиҳатгоҳ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан зарур жиҳозлар билан таъминланди.**
- **Самарқанд шаҳридаги олий спорт маҳорати мактабида Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги муносабати билан Кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирининг вилоят босқичи якунланди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими, Кураш федерацияси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган мусобақада вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган ёш йигит-қизлар тўртта вазн тоифасида ўзаро куч синашди.**

### ЖАҲОНДА

- **Яна икки кундан сўнг Япония қуйи палатасига сайловлар бўлиб ўтади.**
- **Франция A/H1N1 гриппига қарши вакцинанинг дастлабки туркумини олди. Режага кўра мамлакат ҳукумати аҳолини жэмлаш учун тўртта фармацевтика компаниясидан келажакда шундай вакциналардан 94 миллион донасини харид қилади.**
- **Тайванда юз берган «Моракот» тўфони катта талафотларга сабаб бўлди. Мамлакат табиий офатлар маркази томонидан маълум қилинишича, тўфон давлат инфратузилмасига жиддий зарар етказган. Жумладан, кўплаб турар жой ва маъмурий бинолар вайрон бўлган, юзлаб гектар экинзорлар сув остида қолган. Сўнгги маълумотларга кўра, тўфон натижасида ҳалок бўлганлар сони 461 нафарга етган, 192 киши эса бедарак йўқолган.**
- **«Толибон» жангарилар гуруҳининг Покистондаги янги етакчиси Ҳикматулло Мақсуд тўданинг собиқ раҳбари Байтулло Мақсуднинг ҳалок бўлганини тасдиқлади. Маълумотларга кўра, Байтулло Мақсуд АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан берилган ракета зарбалари пайтида ҳалок бўлган.**
- **Хитойлик 52 ёшли Жен исмли аёл узун сочи орқали саккизта енгил автомашинани жойидан қўзғатгани ҳолда ўзига хос рекорд ўрнатди. Жен бундай натижага бир неча йил давомида жанговар у-шу билан шуғулланганлиги сабабли эришганлигини таъкидлади.**
- **Кеча Францияда футбол бўйича 2009-2010 йилги Европа чемпионлар лигасига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.**
- **Олимлар дунёдаги энг истеъдодли кишилар ирландияликлар деган тўхтамга келишди. Зеро, Ирландиянинг ҳар миллион нафар фуқаросига уч нафар Нобель мукофоти совриндорининг тўғри келиши бунга яққол мисол бўла олади, дея таъкидлашмоқда улар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

## II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ашуров Кахор Ахрорович** — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Бобобеков Равшан Бултакович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Горлов Андрей Алексеевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жуммаев Халмурад Алламурадович** — Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Кадиров Бахрам Вахабович** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

**Маллабоев Абдусаттор Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

**Нарзуллаев Бобир Батурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Султонов Бахтиёр Гайбуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Шарифходжаев Джавдат Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абсарова Лариса Хусанбековна** — Фарғона вилояти прокуратураси бўлими катта прокурори

**Косенков Игорь Александрович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Петровский Александр Олегович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари

**Пягай Илья Васильевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тахирова Шукурджан Розимовна** — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бош инспектори

**Хатамов Немат Турапович** — Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси

## «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахимов Хаётжон Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бош мутахассиси

**Абдураманов Рустем Мусурмонкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Азамов Сиддик Содикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик-сапёрлик взводи сапёри

**Акназаров Азим Маматкулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара постининг ўқчиси

**Анаркулов Дилмурад Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Атаджанов Алишер Олимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бабаходжаев Хайрулло Хасанович** — Андижон вилояти Андижон шаҳар Ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

**Бойкаев Нуриддин Мустафаевич** — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди гуруҳ командири

**Буриев Шарофитдин Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Варисов Абдураззоқ Исмаилович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

**Гафуров Александр Валерьевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

**Ибатходжаев Лазизхон Казимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Исматуллаев Иззат Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қайпназаров Узакбай Есемуратович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус қидирув-разведка гуруҳининг мутахассиси

**Каттаев Шукрилла Ташович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

**Қаюмов Хокимбек Абдулбокиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик-сапёрлик взводи секция командири

**Кузибаев Бахрам Баходирович** — Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

**Курбанов Улуғбек Садуллаевич** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командирининг ўринбосари

**Кушаков Фарход Эшкуватович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик-сапёрлик взводи секция командири

**Махкамов Насир Расулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

**Набиев Владимир Валерьевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бош мутахассиси

**Нормухамедов Тимур Султанович** — Тошкент шаҳар прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

**Нуралиев Атабек Хайруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Орипов Музаффар Кобулович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Разиков Дониер Тухтасинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Саидов Хабиб Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг чегара пости йўриқчиси

**Узбеков Мурат Аминшаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уринбоев Кудратжон Гайратжонович** — Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Хамроев Зоҳир Тошевич** — Навоий вилояти Нурота тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Хасанов Иброҳим Исломович** — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Хашимов Баходир Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходими

**Шукуров Иноят Рахматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

**Шукуров Қиём Қўлдошбоевич** — Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Эргашев Шухрат Марибжонович** — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

**Эшкулов Исомитдин Гуломович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

## «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Асадуллаев Анвар Нарзуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг тиббиёт хизмати бошлиғи

**Давронов Шермат Тоирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассис-сапёри

**Джураев Асроржон Бахшиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жаббаров Зарифбой Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

**Журабоев Дилшод Бахтиерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассис-сапёри

**Закиров Кахрамон Анорбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассиси

**Иргашев Анвар Урокович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассиси

**Маликов Бахтиёр Абдукодирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг хизмат бошлиғи

**Назирдинов Сардорбек Турдалиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассис-сапёри

**Нарчаев Менгликул Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**Оринбаев Муроджон Маматхалдарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

**Таджибаев Садриддин Нуритдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Тагаев Джахангир Рузиевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси эскадрильясининг авиация катта борт техниги

**Тошбоев Мухаммадали Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

**Туракулов Абраркул Анаркулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми автомобиль гуруҳининг командири

**Усаров Гайрат Кодирович** — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғи

**Хайдаров Хамид Саитович** — Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Харламов Сергей Александрович (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг командири

**Ходжаев Азамат Азимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

**Холдоров Жасурбек Олимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси гуруҳ командирининг ўринбосари

**Эргашев Анвар Юлдашевич** — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бошлиғининг ўринбосари

**Эргашев Толмас Фарходович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг гуруҳ мутахассиси

## «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Ахмадали Умарович** — Фарғона вилояти Фурқат тумани "Томоша" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Абдуллаев Юлдашбек Тухтабекович** — Чирчиқ олий ҳарбий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юрти гуруҳининг командири

**Акимниязов Азат Абдинайимович** — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Аскаров Баходир Абдурахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази робот техникаси бўйича бош мутахассиси

**Атаджанова Айгуль Ибрагимовна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлими катта прокурори

**Ахмедов Равшан Турсинхажаевич** — Ҳарбий хизматчилар ишлари бўйича махсус адвокатлар ҳайъатининг мудири

**Бекбутаев Мухиддин Жумаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг гуруҳ командири

**Борибаев Шарибай** — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани "Бердах" овул фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг посбони

**Кодиров Фозил Облоевич** — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Кулдошов Рашид Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми вертолёт эскадрильясининг звено командири

**Кунишов Нарбек Музапарович** — Жиззах вилояти Жиззах шаҳар "Заргарлик" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Курбанов Абдужалил Тухтамуродович** — Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи

**Курбонова Зарипахон Муминжоновна** — Тошкент вилояти хўжалик судининг судьяси

**Мамажонов Ойбек Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми хизматининг пост бошлиғи

**Мирзарахимов Фарход Салимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси взводининг разведкачи-гранатомётчиси

**Очилов Кулдош Тухташевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг гуруҳ командири

**Сейдеметов Алпамис Муханович** — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси кичик инспектор-кинологи

**Тиллабоев Кучкорбой** — Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

**Тургунбаев Дильшод Холматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайруллаев Раббим Нарзикулович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд ҳарбий госпиталининг жарроҳлик бўлинмаси бошлиғи

**Худайбердиев Абдугаффар Хошимович** — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Шаймонов Отабек Туробович** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани "Қорасарой" маҳалла фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Шамаксудов Бехзод Анварович** — Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

**Эшбеков Аширкул Алимбекович** — Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Юлдошев Турғунжон Тиловович** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Юсупов Алишер Алимбаевич** — Хоразм вилояти Урганч тумани "Юқорибоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини "Маҳалла посбони" жамоат тузилмасининг раҳбари

**Юсупов Баходир Батирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тиббиёт бўлимининг бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 28 август*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;

г) мазкур Қарорнинг 2, 4-7-бандлари муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита ва Комиссиялари мазкур амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Раиси**
**И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 28 август.*

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Сенат ўзининг қарори билан амнистия ҳақидаги қарорни қўлланиш тартибини белгилади. Ушбу қарорда амнистия бўйича озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга амнистия актини қўлланиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, шунингдек, очиқ-ошкораликни таъминлашда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий кўникмасига ва ҳимоясига йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш, уларнинг тўла ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилиши, ёлғизлар, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш назарда тутилади.

Шундан сўнг парламент юқори палатасининг аъзолари ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, шунингдек, гуманитар соҳани изчил ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам бор.

Қонуннинг мақсади жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳамда дунё бозорларида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий юксак технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун чет эл инвестицияларини, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга қулай шароитлар яратишдан иборатдир.

Қонун билан эркин иқтисодий зонанинг бир тури сифатида индустриал-иқтисодий зона тушунчаси киритилмоқда, эркин иқтисодий зона ҳудудида амал қилувчи алоҳида ҳуқуқий, солиқ, божхона ҳамда валюта режими белгиланмоқда. Бу режим эркин иқтисодий зона иштирокчиларига хўжалик фаолиятини амалга оширишда бериладиган имтиёзлар ва преференцияларнинг аниқ рўйхатини назарда тутади.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ва мамлакатимиз электр энергетикасининг юқори даражада хавфсиз бўлишини, тармоқда хизмат кўрсатишнинг ишончлилиги ва сифатини оширишга қаратилган.

Сенаторлар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни ҳам кўриб чиқдилар. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширадиган ташкилотларнинг шубҳали молиявий операцияларини ўз вақтида аниқлаш механизмини такомиллаштиришга, жиноий йўл билан топилган пулларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимига жалб этилган ташкилотларда ички идоравий назоратнинг самарадорлигини кучайтиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 мартда қабул қилинган Фармонини ижро этиш юзасидан маҳсулот тақсимотига оид битим шартлари асосида ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Киритилган ўзгартиш ва қўшимча ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ва акциз солиғи солинадиган углеводород хомашёси учун акциз солиғини тўлаш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчилари бўлмиш чет эллик инвесторлар учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун ҳам тенг шароитлар яратишга йўналтирилган.

Сўнгра сенаторлар «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Қонун истеъмолчиларни, ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари кириб келишидан ҳимоялашнинг янада самарали ҳуқуқий базасини яратиш имконини бериши, дори воситаларини тайёрловчи корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон ҳудудида дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари айланишидан ҳимоя қилиши кўрсатиб ўтилди.

Мазкур Қонунни ривожлантириш юзасидан сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам маъқулланди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Қонун билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилайди.

Мажлисда моддий ва номоддий маданий мерос объектларини унификация қилиш, уларни тегишлича муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"-ги Қонун маъқулланди.

Юқори палата аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги Қонунни кўриб чиқдилар. Қонун фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, адвокатура институтининг мақомини ва ролини ривожлантириш ҳамда ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатига ушбу тузатишларнинг киритилиши вакиллик институтини турли тузилмалар, юридик маълумотга ҳамда юридик хизматлар кўрсатиш учун тегишли лицензияга эга бўлмаган шахслар билан алмаштириш, фуқароларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишга йўл қўядиган шароитни бартараф этиш имконини берадиган ҳуқуқий базани яратади.

Сенаторлар «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш асносида у амалдаги ҳуқуқий нормаларни, идоравий қоидалар ва халқаро стандартларнинг қоидаларини мунтазам ҳолга келтирганлигини кўрсатиб ўтдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини аниқлаб беради.

Сенат аъзолари томонидан кун тартибига киритилган бир қатор бошқа қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати**

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

Тинчлик ва дўстлик рамзи 2200 2009 Тошкент

**Тошкент деганда, юрак энтикади, вужудингизни чексиз меҳр чулғайди. Кўз олдингизда сахий замин, саховатли инсонлар намоён бўлади.**

**Тошкент деганда, тарихнинг кўҳна ва янги саҳифалари орқали миллатнинг ўтмиши ва бугуни турфа рангларда акс этади.**

**Тошкент деганда, йил сайин чирой очаётган, кун сайин кўркамлашиб бораётган ва ўз тароватн, нуфузи, салобати билан дунёни лол қолдираётган улуғ маскан манзаралари чизилади.**





## ВАТАН ГАВҲАРИ — ТОШКЕНТ

Тошкент деганда, бир-биридан файзли, аҳил ва ҳамжиҳат яшаётган маҳаллалар чорлай бошлайди.

Кечаги Тошкент бугунги Тошкентга асло ўхшамайди. Кечаги Тошкент манзаралари тарихнинг оддий ва нурсиз саҳифаларига айланди.

Кечаги Тошкентнинг тор ва кичик кўчалари, биқиқ маҳаллалар ўрнига бугун равон ва текис йўллар, ҳашаматли кўприклар, кўркам бинолар ҳамда файзли маҳаллалар бунёд этилмоқда.

Мустақиллик Тошкент руҳини ўзгартириб юборди. Мустақиллик туфайли Тошкент янгидан бунёд бўлаётир, қайта чирой очиб, қайта гуллаётир. Бир сўз билан айтганда Тошкент қайта туғилди.

Мустақиллик Тошкентни шон-шуҳратга буркади. Оламаро янада машҳур қилди. Муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан Тошкент шаҳри «Мустақиллик» ордени билан тақдирланди. Бу мустақил юртнинг пойтахтига берилган энг юксак баҳодир. Чунки, мустақиллик сўзи илк бор Тошкентда жаранглаган эди. Сўнг бу муборак сўз миллатимиз қалбида акс садо берди.

* * *

Тошкент ер юзида пайдо бўлганидан буён тарих саҳифаларидан тушмайди. Машҳур олимлар, муҳаддислар, тарихчилар уни қайта-қайта қаламга олганлар. Тошкент тарихида нурли саҳифалар билан бирга нурсиз, изтиробли, қайғу-алам тўла саҳифалар ҳам анчагина. Энди бу дардли битиклар ортда қолди. Қолгани рост бўлсин, илоё!

* * *

Тошкент турфа маданиятлар, тамаддунлар кесишган чорраҳа. Бу қадим чорраҳадан ҳамон Чоч ва Шошнинг садолари келади. Авлоднинг ўтли нидоси эшитилади. XX аср жароҳатларининг ўрни ҳамон билинади. Бу ўкинч-аламларнинг барчасига Мустақиллик даво бўлди.

* * *

Тошкент тинчлик шаҳри, тотувлик шаҳри. Дунёдаги барча тинчликсевар қалблар қайсидир нуқталари билан Тошкентга боғланган. Тинчликни севганлар, қадрлаганлар ҳамиша Тошкентдан мадад оладилар, Тошкент билан руҳан боғланадилар.

Тинчлик соати — Тошкент миллариға ҳамоҳанг ишлайди.

Тинчлик бахти — Тошкент билан қўшалоқ.

Тинчлик сўзи — Тошкент билан ёнма-ён жаранглайди.

Тинчлик қудрати — Тошкентдан мадад олади.

Тошкент тинчлик тўғони. Тошкент тинчлик таянчи. Ва ҳамиша Тошкент тинчликнинг байроқдори бўлиб қолади.

* * *

Тошкент сенинг нонингдан едим.
Бундай тотли нон йўқ дунёда.
Сенинг зилол сувингдан ичдим.
Бундай мазали сув йўқ дунёда.
Сенинг ширин мевангдан едим.
Бундай асал мева йўқ дунёда.
Сенинг сахий меҳрингдан қондим.
Бундай меҳр кўрмадим дунёда.

Азим пойтахтим, Сенда:
Ўзбекнинг меҳри мужассам, орзу-тилаклари жамулжам.
Бағрикенглик, сахийлик бунда.
Меҳрибонлик, меҳридиллик,
меҳрдошлик
Ва инсонийлик жўш урар бунда.
Тошкент меҳр шаҳри, муҳаббат шаҳри
Тошкент саховат шаҳри,
гўзаллик шаҳри.

Дунёда пойтахтлар кўп, аммо
Тошкент ягона,
Кимгадир опа-сингил, кимгадир ота-она.
Уни севмай бўлурми, юраклар ёна-ёна,
У дўстларга дўст эрур, бегонага бегона.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ёзганидек: «Бутун Ўзбекистонимиз каби Тошкентнинг бугуни гўзал, эртаси ундан-да гўзалроқ. У албатта дунёнинг юлдуз шаҳарларидан бирига айланажак. Ўша кунларни ҳам кўриш барчамизга насиб этсин».

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

## ПОЙТАХТИМИЗГА ЯРАШГАН НОЁБ ДУРДОНА

**Шаҳримизнинг қайси томонидан кириб келманг улкан, маҳобатли бир минорага кўзингиз тушади. Атрофга улуғворлик бахш этиб турган бу кўркам, фусункор кошона кўлами жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган 375 метрли Тошкент телеминорасидир. Ўзининг пурвиқорлиги ва муҳташамлиги билан пойтахтимизнинг рамзий тимсолига айланган мазкур телеминора Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигидек қўш байрамни алоҳида туҳфалар билан кутиб олмоқда.**

—Телеминора замонавий меъморчиликнинг энг илғор усуллари асосида қад ростлаган,—дейди Тошкент радио ва телевидение узатиш маркази директори вазифасини бажарувчи Рустам Раҳимбердиев биз билан суҳбатда. –Тошкент телеминораси Марказий Осиёда энг баланд иншоот сифатида тан олинган. Буни унинг Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятига аъзо этиб қабул қилиниши кўрсатиб турибди. Телеминоранинг ББМЖ таркибига киргани катта маънавий ва амалий аҳамият касб этиб, бизга дунё миқёсида қурилган ва қурилаётган миноралар ва уларнинг фаолияти ҳақида бевосита бохабар бўлиш ва уларга юртимизни янада танитиш имконини берди.

Телеминорага кираверишда жойлашган ББМЖга бағишланган музейда эса дунё мамлакатларининг 22 та минорасининг макети ва уларга тегишли бўлган маълумотлар ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, телеминорада ташкил қилинган ушбу музей Бутунжаҳон буюк миноралар жамиятига аъзо мамлакатлар ичида ягонадир. Миноранинг асосий қисми 100 ва 200 метрни ташкил этади. 200 метрдан сўнг эса антенна қисми бошланади. Иншоотимизнинг юқори қисмида Тошкент телерадио узатиш маркази ишлаб турибди. Бу эса радио ва телеканаллар тўлқинларини ён-атрофга узатиш имконини беради. Ва айни вақтда у орқали республика об-ҳавосини кузатиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Марказда барча зарурий махсус кийим-кечаклар, асбоб-анжом ва ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, ходимлар ўртасида тез-тез тушунтириш ишлари ва ўқув йиғинлари ташкиллаштирилиб турилади. Тошкент радиотелевизион узатиш марказида амалга оширилаётган ишларда бевосита Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кўмаги ҳамда телеминорада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Телеминорамизда сайёҳлар учун юқори даражадаги барча шарт-шароитлардан иборат қулайлик яратиб берилди. Шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилейига муносиб совға сифатида катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Икки қаватли кириш мажмуасининг ишга туширилиши, минорага ташриф буюрувчилар учун махсус ёпиқ йўлакнинг фойдаланишга топширилиши шулар жумласидандир. Янги қурилган бинога республика радиоэшиттириш ва телевидение маркази кўчиб ўтди. Энг муҳими, телеминоранинг архитектура кўриниши сақлаб қолинди. «Коинот» ресторани заллари байрам муносабати билан алоҳида безатилди.



Осмон қадар баландликда туриб, жаннатмакон шаҳримизни томоша қилишнинг гашти бўлакча, албатта. Шаҳримизнинг қутлуғ юбилейи муносабати билан жуда кўп мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюриши кутилмоқда ва уларнинг барчаси ушбу буюк иншоотимизни кўриш учун албатта, ташриф буюришади. Бинобарин, бу барчамиз учун ўзгача шараф ва ифтихордир.

Дарҳақиқат, Тошкент телеминораси шаҳримиз меъморчилигида ўзига хос улкан ва бетакрор иншоотга айланиб қолди. Бугунги кунда ушбу минора нафақат техник иншоот, балки шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган ноёб архитектура дурдонаси ҳамдир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: Тошкент телеминораси мана шундай кўркам ва бетакрор иншоот**

## МАҲАЛЛАДА ШОДИЁНА

**Собир Раҳимов туманида жойлашган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд маҳалласидаги «Офарин» кошонасида юртимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирни маҳалла оқсоқоли Шуҳрат Усмонов очиб, йиғилганларни икки улуғ тантана билан муборакбод этди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Жамолиддин Шоҳакимов, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаровлар ўз сўзларида бу байрамлар ўзаро аҳиллик, тотувлик, юртимиздаги барқарор тинчлик меваси эканлигини таъкидладилар. Шоирлар Нуриддин Аминжонов ва Темур Убайдулло Ватан, Тошкент ҳақидаги янги шеърларидан ўқидилар.

— Бу улуғ шодиёна кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, — дейди маҳалла фаоли Қобил Умаров, — шу сабаб маҳалла ривожига ўз ҳиссаларини қўшган, кўп хайрли ишларга бош бўлган марҳум маҳалладошларимизнинг руҳини хотирласак савоб бўлади.

Кечада иштирок этган таниқли хонандалар Бахтиёр Тўлаганов, Абдулла Ғофуров, Собиржон Холиқовлар ижро этган мумтоз қўшиқлар барчага манзур бўлди.

**И.ЎСАРОВ**

## ЯНГИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАР ИХТИЁРИДА

**Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 326-санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, ўқувчиларнинг маънавияти, бадиий дидини юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон санъатининг энг нодир намуналари билан таништириш, мусиқа ва санъат мактаблари ишини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Собир Раҳимов туманидаги янги таъмирланган 326-санъат мактабида етти юз элликка яқин ўғил-қиз санъатнинг рассомлик, миниатюра иши, наққошлик, тўқувчилик, каштачилик, зардўзлик ва дизайн-модельерлик сингари йўналишларида таҳсил олади. Санъатнинг турли йўналишларига мослаштирилиб тубдан таъмирланган, замонавий асосда жиҳозланган кенг ва ёруғ ўқув-машғулот, маънавият ва маърифат хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

**Гўзал САТТОРОВА.**





## Дил изҳорлари

**Саидибурхон АБДУЛЛАХЎЖАЕВ, «7-автокорхона» акциядорлик жамияти ҳайдовчиси:**

— Отам юк ташувчи машина ҳайдовчиси бўлганлар. Баъзида мени ўзлари билан узоқ-яқин сафарларга олиб кетар эдилар. Ойна ортидан гўё ниҳояси йўқ йўлларни кўриб, қачон манзилга етиб борар эканмиз. Нима учун машинани янада тезроқ ҳайдаш мумкин эмас, деган саволлар мени ўйлантирарди. Отамга ҳеч нарса демас эдим, аммо уйга қайтгач, ўйинчоқ машиналаримда синовлар ўтказишга киришиб кетардим...

Мана шундай ўйлар менда ҳайдовчилик касбига ҳавас уйғотди ва ўттиз йилдан бери қанча-қанча масофа босиб ўтсам-да, одамларни, мен каби бир пайтлар ўйга чорловчи бугунги ўсмирларнинг узоғини яқин қилишга ҳануз ҳаракат қиламан. Йўллар адоғи худди инсон ҳаётига ўхшайди, қачон тугаши номаълум...

Истардимки, одамларнинг босиб ўтадиган йўллари ҳар доим равон бўлсин, барча яхши ният ила йўлга шайланганлар мен каби шундай эл-юрт эътирофини топсин.

Шундай улуғ айёмлар арафасида Президентимиз Фармонлари билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвонига мушарраф бўлганим мен учун, жамоамиз учун, оилам, яқинларим учун, албатта хурсандчилик келтирди. Бундан биринчи таассуротим — ҳаяжон ва шу билан бирга бир нарсани яхши англадимки, агарда кимки ҳалол меҳнат қилса, албатта эътибор, ҳурмат топади. Мана шундай юксак унвонлар кўпчиликка насиб этсин.

**Шокир АРИПЖОНОВ, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси туман бошқармаси оператори:**

— Ҳар бир ишнинг мураккаб томонлари бор. Фақат касбга ихлос бўлса, барини енгиб ўтиш мумкин. Коммунал соҳа ҳам шундай ёндошувни талаб этади. Бу ерда тасодифий киши ишлай олмайди, чунки доимо одамлар билан мулоқотда бўлмоғи, уларнинг манфаатини устун қўйган ҳолда мурожаатларини ижобий ҳал этмоғи лозимдир.

Қирқ йилдан буён ижтимоий объектлар — соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, кўп қаватли уй-жойларга иссиқлик узатиш билан машғул бўлиб келаётирман. Кўпчиликнинг кўнглини олиш осон эмас. Аммо биз жамоамиз билан шу мақсад сари интилишга ҳаракат қилаётирмиз. Коммунал соҳада кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар соҳа мутахассисларини ҳам янгича фикрлашга, замонавий технологиялар талабига мос ишлашга ундамоқда. Аҳолига хизмат қилиш эса — бунданда ортиқ бахт бўлмаса керак.

Қутлуғ байрамлар олдидан Президентимиз Фармонлари билан «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлибман, бу юксак мукофот «Тошиссиққуввати» бирлашмаси жамоаси, бутун соҳа вакилларининг хизматига берилган юксак баҳодир.

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА (Туйманова), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:**

— Журналистика шундай соҳаки, фикрлар қуршовида юрасан, ҳаётни кузатишинг керак. Ўзига хос хулоса ва таклифлар бермасанг, бу касбга қўл урмай қўя қол. Таъкидлаганларим, тўғриси, мен учун касбий шиорга айланган.

Фаолиятимни туман газетасида бошлаб, республикамизнинг марказий нашрларида давом эттириш асносида айнан ана шу шиорларсиз журналистика йўналишида ҳеч қандай обрў-эътиборга ҳам, муваффақиятга ҳам эришиб бўлмаслигига амин бўлдим. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» деган юксак ва шарафли унвонга сазовор бўлиш мен учун ҳам кутилган, ҳам кутилмаган ҳол бўлди... Мен баралла овоз билан айта оламан — оддийгина ўзбек журналист аёлининг бахти бундан зиёда бўлмайди.

Инсоннинг, дейлик, журналистнинг якка ҳолдаги фаолиятини тасаввур қила оласизми? Бу саволга «йўқ» деб жавоб беришингиз табиий. Ҳар биримиз қайсидир жамоада шаклланамиз, унда тарбияланамиз, ана шу соҳанинг «пир»ларига ҳавас қилиб, уларга эргашамиз. Шу жиҳатдан олганда, «Маърифат» газетаси мендайин ижодни ўзининг ҳаётий мазмунига айлантирган қаламкашни элга танитди, мухлислар орттиришимга шарт-шароит яратди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, азим Тошкентимизнинг юбилейи билан барча ҳамкасбларимни, эзгу ва пок ниятли ҳамма инсонларни чин кўнгилдан самимий табриклайман. Жаннатмакон юртимиз янада обод бўлаверсин.

2200 Тошкент 2009

## ШАҲРИМ — ФАХРИМ





## МУНОСИБ СОВҒА

**Шаҳримиздаги 142-мактаб биносида капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ушбу ўқув масканининг бутунлай янгича қиёфа кашф этган кўркам биноси янги ўқув йилига ўқувчиларга муносиб туҳфа бўлади.**

— Айни кунларда мактабимизда қурилиш ишлари ниҳоясига етмоқда, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактаб директори Инна Ли. — Бу ерда Ҳасан Узоқов раҳбарлигидаги 115 нафар бунёдкордан иборат «Анкур»МЧЖ қурилиш бригадаси жамоаси аъзолари гуруҳларга бўлинган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Янги ўқув биномиз Истиқлолимизнинг 18 йиллик тўйига ва шаҳримизнинг кутлуғ 2200 йиллик юбилейига муносиб совға бўлади. Қувончимизнинг чеки йўқ, албатта. Шинам, чароғон ва замонавий анжомлар билан жиҳозланган хоналарда билим беришнинг ўзига хос гашти бор. Ўқувчиларимизнинг шодлигини айтмайсизми. Улар ҳам мактаб қурилиши ва таъмирлаш ишларига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб, қурувчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар ва янги ўқув йили бошланишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Умид қиламизки, ёшларимиз учун яратилаётган бу каби имкониятлар келажакда албатта, ўз мевасини беради.

Янги қад ростлаган қўшимча бино таркибидаги спорт зали, ошхона, химия, физика, биология ва информатика хоналарида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Мамлакатимизда кейинги пайтларда кўплаб янги ўқув бинолари қад ростламоқда. Эскилари қайта таъмирланмоқда ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражадаги жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бу, албатта Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг натижасидир.

**Гулнигор САТТОРОВА**

**Мустақил диёримиз қўшалоқ байрамлар — Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда қадимий ва ҳамиша навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шодиёналарини нишонлаш арафасида турибди. Бу қутлуғ айёмлар олдидан пойтахтимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшадиган қатор замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.**

## ЯНГИ ШОҲБЕКАТЛАР ИШГА ТУШДИ




Халқимизда «Тўйга тўёна билан» деган нақл бор. Бинобарин, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ташаббуси билан шаҳримиздаги бир қатор барча қулайликларга эга автобус бекатларининг йўловчилар хизматига шай ҳолатга келтирилаётгани кишини қувонтиради.

Куни кеча пойтахтимизнинг янгидан чирой очган, замонавий тарздаги Сергели туманидаги «Қўйлиқ-Марказ-2», Ҳамза туманидаги «Янгиобод», Чкалов метроси бекатларининг очилиш маросимлари ўтказилади. Унда маҳаллалар фахрийлари, йўловчилар, соҳа ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Ҳар бири 28 миллион сўмлик маблағ эвазига қад ростлаган бу замонавий, шинам, қулай шоҳбекатлар кўплаб ўзига хос қулайликларга эга. Жумладан, бино нозимларнинг иш олиб бориши, автобус ҳайдовчиларининг ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланган бўлиб, қишда иситиш, ёзги мавсумда совутиш тизимлари билан таъминланган.

Биз фурсатдан фойдаланиб, бекат қулайликларидан баҳраманд бўлаётган ҳамшаҳарларимизни суҳбатга тортдик.

— Бизнинг маҳалламизда 7200 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Сергели туманидаги Абдураҳмон Жомий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилором Ҳайдарова. — Маҳалладошларимизнинг деярли барчаси жамоат транспортларидан фойдаланишади. Эндиликда 37, 55-йўналишларнинг охири ҳисобланган шоҳбекатимизнинг янгича кўриниш касб этгани барчамизни қувонтирмоқда.



Истиқлол шодиёнасининг файзли шукуҳи кезиб юрган айни кезларда «Янгиобод» даҳаси атрофидаги маҳаллаларда яшаётган фуқаролар ҳам янги қулайликларга эга бўлишди. Бир пайтлар бор-йўғи нозимхона биносидан иборат бўлган шоҳбекат эндиликда майдон узра кўрк тўкиб турибди. 26, 61, 104, 117-автобус йўналишларига хизмат қиладиган бу бекат фаолиятидан йўловчилар мамнунлигини билдиришмоқда.

— Олдинлари «Чкалов» метроси бекатидан чиқиб, турли йўналишларга ҳаракатланадиган йўловчиларимиз бироз ноқулайликларга дуч келишарди, — дейди 8-автосарой раҳбари Музаффар Дўстмуҳаммедов. — Бугунга келиб бу муаммога ечим топилди ҳисоб. Фойдаланишга топширилган шоҳбекатимиз йўловчилар хоҳиш-истакларига мўлжалланган.

Метронинг «Чкалов» бекати яқин атрофдаги «Умид» маҳалласи фуқаролари учун ҳам ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди. 15, 10, 28, 49,22, 54-автобус йўналишларининг охири ҳисобланган шоҳбекат қулай ва шинамлиги билан ажралиб туради.

Шу ўринда муҳим маълумотларни қайд этиб ўтсак. Шу вақтга қадар пойтахтимизда 71 та нозимхоналарни ўз ичига олган бекатлар мавжуд бўлиб, 2006-2008 йиллар давомида уларнинг 22 таси қайтадан қурилди. Жорий йил бошидан буён эса 17 та янги шоҳбекатлар фойдаланишга топширилди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

**СУРАТЛАРДА: автошоҳбекатларнинг очилиш маросимларидан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

**“ПАНЧАТАНТРА”ДАН**

**Улуғ мартабага эришган чоғингда ўзингни такаббур тутма.**

* * *

**Қурби етмас ўч олишга кишининг
Аламини ичга ютиб яширсин.
Нўхат қанча сакрамасин товада
Уни тешиб ўтолмайди ҳеч қачон.**

* * *

**Ўнгингда нима кўрсанг,
қилсанг, нега интилсанг,
Тун чўкканда тушингда қайта
бўлур намоён.**

* * *

**Зумда кўтариб рутбанг,
зумда қулатар тақдир,
Тарози шайинига ўхшаркан
ожиз одам.**

* * *

**Ёшлигимиз тоғ шаршарасига ўхшайди. Балоғатга етганимизда худди ўт олган ўтга менгзаймиз. Лаззатларимиз гўё булутлардан тушган соя.**

* * *

**Кучдан айрилган чоғда пок яшарсан бемалол.**

* * *

**Хотинларни – беғамлик,
айрилиқ – ишқ ўтини,
Ишончсизлик – дўстликни,
Ҳалок қилар, дарвешни –
чоп-чоп, болани – шўхлик,
Коҳинларни ялқовлик,
Тўқчиликни – исрофгарлик,
ориятни – ёвузлик,
Омадни – омадсизлик,
Шоҳни – бемаъни кенгаш,
хонадонни – бевошлик,
Экинзорни – танбаллик.**

* * *

**Оқшом чоғи меҳмон келса,
кутиб ол қовоқ солмай,
Қўноғига бағрин очган дунё тургунча турар.**

* * *

**Гумонларга тўладир бу кўҳна дунё,
Ҳеч ким қутулганмас
қочиб ғийбатдан.**

* * *

**Гуноҳсиз маҳкамада –
кўзлари ёниб турар,
Шижоатли чеҳраси,
сўзлари шахдам-шахдам.**

* * *

**Дўст йўқдир соғлиқдан
кўра ишончли,
Касалликдан ортиқ ёвуз душман йўқ.
Ҳаммадан қудратли
боланинг меҳри,
Баридан ёмонроқ очлик кулфати.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

### Август кенгаши

## ТАЖРИБА АЛМАШИБ, МАЛАКА ОШИРИШДИ

**Бугунги кунда юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бераётган устоз-педагогларнинг малакасини ошириш, тажриба алмашишларига шарт-шароит яратиш, изланиш ва интилишларини кенг ёйиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, ҳар йили педагог ходимларнинг анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган Август кенгаши йиғилишлари фикримиз далили бўла олди. Яқинда Собир Раҳимов туманидаги 28-умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази ташкилотчилигида бошланғич синф ўқитувчиларининг шаҳар анъанавий Август кенгаши шўъба йиғилиши ишчанлик руҳида бўлиб ўтди.

Тадбир ҳақида сўз юритишдан олдин айтиб ўтиш жоизки Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан 2009-2010 ўқув йилида тизимли, унумли натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида шаҳар миқёсида Август кенгашлари барча фанлар кесимида шўъба ишлари ташкил этилиб ўтказилди. Бунда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан 2008-2009 ўқув йилида амалга оширилган ишлар сарҳисоб этилди, мавжуд муаммолар аниқланиб уларни бартараф этиш йўллари изланди. Шўъба ишлари мавзулари ҳозирги замон талаблари асосида танланди. Жумладан, «Янги ўқув йилининг мақсад ва вазифалари», «Таълим самарадорлигини оширишда ўқитувчи, методистларнинг олдида турган вазифалар», Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини фанлар таркибига сингдириш», «Тошкентим онам — 2200 ёшда», «Бошланғич синфларда муаммосиз ўқитиш вазифалари» каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди.

Энди бевосита ўтказилган тадбир тафсилотига тўхталадиган бўлсак, «Бошланғич таълим», «Она тили ва адабиёт, ўзбек тили», «Рус тили ва хорижий тиллар», «Информатика, физика, математика», «Химия, биология», «Тарих, ҳуқуқ, география, иқтисод», «Мусиқа, меҳнат таълими, тасвирий санъат ва чизмачилик», «Жисмоний тарбия» каби йўналишлар бўйича саккизта шўъбага бўлинган ҳолда ўтказилган ушбу шўъба йиғилишида 2008-2009 ўқув йилида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама этилди ҳамда янги 2009-2010 ўқув йили учун вазифа ва топшириқлар белгилаб олинди.

— Август кенгаши каби шўъба йиғилишларининг мунтазам ўтказиб турилиши ҳар тарафлама фойдали ва ҳар бир фан ўқитувчисига йил давомида керак бўлади, — дейди 28-мактаб директори Дилором Шаропова. — Чунки тажриба алмашиш, янги лойиҳа ва фикрлар билан танишиш, ўз устида ишлаш, ўрганиш, малака оширишга хизмат қилади. Мактабимиз жамоаси ҳам ҳар бир фан бўйича Август кенгаши йиғилишини ўтказиб янги ўқув йилини катта мақсад ва вазифалар билан кутиб олмоқда. Ўқувчиларга яратилган шарт-шароитлар ўқитувчи-устозларни ҳам бугунги кун талаби доирасида билим беришга ундамоқда десам муболаға бўлмайди.

Йиғилиш якунида бир қатор хизмат кўрсатган илғор ва ижодкор ўқитувчиларга бош бошқарманинг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2009 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига Яккасарой туман СИБ томонидан такроран арзонлаштирилган нархда, Тошкент ш. ИИББ ЙХХБ қарашли 1-сонли махсус жарима майдонида сақланаётган, «Ниссан Мурано» русумли, д/р М86-86 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 22.04.2009 й.) Бошланғич баҳоси — 63.720.000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт. МФО: 01036, ИНН: 200933850, ҳ/р 20210000300571452114. Манзил Тошкент: ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2862 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 345

Буюртма Г- 706

Топширилган вақти: 2.20